



КЎКОН ХОНЛИГИ — ўзбек хонликларидан бири (18—19-а. лар). Пойтахти — Кўкон. Минглар уругидан бўлган Шохрухбий 1709 й. да асос солган. Бу давлат таркибига дастлаб Кўкон, наманган. Маргилон, Конибодом, исфара ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар кирган. Абдурахимбий даврида Бухоро хонлигига ҳарбий юриш қилиниб Самарқанд эгалланади (1732). Абдулкаримбий даврида 1746 й. калмоқлар Фарғона водийсига ҳужум қилиб, Ўш, Андижон, Маргилон ш. ларини эгаллаб, Кўконни қамал қилган. Кўконликлар ёрдамга келган Ўратепа ҳокими Фозилбий кўшинлари билан биргаликда уларни Фарғона водийсидан қувиб чиқаришган. Норбўтабий даврида Чуст ва Наманган бекларининг мустақиллик учун кўтарган ғалаёнлари бостирилган. Мамлакатда сугориш иншоотлари барпо қилинади, савдо ва ҳунармандчилик, к. х. бирмунча ривож топади ва нисбатан арзончилик бўлади.

Норбўтабийнинг ўғли Олимбек ҳукмронлиги даврида Кўконнинг сиёсий мавқеи янада қучайган, ҳарбий исло-хот ўтказилган, Охангарон воҳаси, Тошкент, Чирчик ва Сайрам тобе этилган, ташқи савдога ҳам эътибор қучайтирилган. 1805 й. давлат расман Кўкон хонлиги деб эълон қилиниб, Олимбек х«он» унвонини олган. Олимхоннинг марказлашган қучли давлат тузиш борасида қилаётган ҳаракатлари айрим мансабпараст зодагонлар гуруҳида норозилик қайфиятларини вужудга келтиради. Натижада улар Олимхоннинг сафардалигидан фойдаланиб 1810 й. Кўконда «Олимхон Тошкентда ўлди», деган миш-миш тарқатишади ва унинг укаси Умарбекка тож қийғизадилар. Олимхон бундан хабар топиб, Кўконга йўл олади, бироқ у Олтиқуш мавзеида отиб ўлдирилган.

Умархон даврида хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чоралари қўрилган. 1815 й. Бухоро хонлигига қарашли Туркистон, 1817 й. эса Ўратепа босиб олинган. Сирдарё бўйида бир қанча ҳарбий истехкомлар барпо этилган; сугориш иншоотларини кенгайтириш, каналлар қазилар, масжид ва мадрасалар қуришга эътибор берилган.

Хусусан, Кўкон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, авлиёта (хоз. Жамбул)да масжид ва мадрасалар курилган. Мозорлар тартибга солинган. Умархон хукмронлиги даврида Кўкон хонлигида фан, адабиёт, санъат нисбатан юксалган. Бунда унинг сеvimли хотини — машхур ўзбек шоираси Нодирабетимнинг хизмати катта бўлган. Умархоннинг ўзи ҳам «Амирий» тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида газаллар ёзган. Умархон вафотидан сўнг унинг 12 ёшли ўгли Муҳаммад Алихон тахтга ўтирган. Хон ёш бўлганлиги учун давлатни дастлабки даврда онаси Ноди-рабегим бошқарган. Нодирабегим маданият ва санъатни ривожлантиришга интилан.

1826 й. Шаркий Туркистонда хитойларга қарши бош кўтарган мусулмон аҳолига ёрдам бериш учун кўшин тор-тиб борилган. Натижада Хитой ҳукумати Шаркий Туркистоннинг 6 та шахри (Оқсув, Қашқар, Ёркенд, Хўтан ва б.) дан солиқ олиш ҳуқуқини Кўкон хонлигига беришга мажбур бўлган.

Муҳаммад Алихон хонлик ҳудудини кенгайтиришга интилиб, Жан. Олай тоғ этагидаги Коратегин, Дар-воз, Шугнон, Рўшон, Воҳон бекликларини бўйсундирган. Бу даврда хонликда сугориш ишлари анча йўлга қўйилган. Тошкент яқинида Хонарик канали қазилган. Ташки иқтисодий-савдо алоқалари ҳам анча яхшиланган. Бухоро амири Насрулло (қ. Насруллахон) билан юз берган урушда (1840 й.) Муҳаммад Алихон енгилиб, Хўжандни амир Насруллога топширишга ва ўзини унинг ноибига деб тан олишга мажбур бўлган. Аммо Бухоро — Кўкон муносабатлари бундан кейин ҳам кес-кинлашган. Натижада 1841 й. нояб. ойида Муҳаммад Алихон ўз укаси Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечган. Бу воқеадан хабар топган амир Насрулло Кўконга бостириб келиб, уни талон-тороғ қилади. У шу қирғин-барот давомида Муҳаммад Алини, унинг укаси Султон Маҳмудхонни, онаси Нодирабегимни ва б. юқори ман-сабдорларни қатл эттиради. Амир фармони билан Кўкон хонлиги Бухоро ноибига томо-нидан бошқарила бошланган. Амир ноибига Кўкон хонлиги аҳолисига оғир солиқлар юқлайди. Натижада 1842 й. ёзида кўконликлар кўзғолон кўтаради, амир Насруллога содиқ қишлоқларнинг қўпчилигини ўлдирадilar ва Норбўтабийнинг укаси Хожибекнинг ўгли Шералини хон қилиб кўтаришади. Буни эшитган Бухоро амири Кўконга кўшин тортиб ўз хукмронлигини қайта ўрнатиш учун уни қамал қилади. Бироқ қамалнинг қирқинчи кунини Хива хони Оллоқулихоннинг Бухоро ҳудудига қилган ҳужуми ҳақидаги хабарни эшитиб, орқага қайтишга маж-бур бўлган. Натижада қўлдан кетган қўпгина ҳудудлар (Хўжанд, Тошкент) яна Қ. х. ихтиёрида қолади.

Шералихоннинг (1842—45) тахтга ўтиришида кўмакчи ва хайрихоҳ бўлган қипчоқлардан Мусулмонкул мингбоши қилиб тайинланган. Мусулмонкул, асосан, ҳарбий ишлар билан шугулланган ва хон кўшинларининг тарқибини қўпроқ қипчоқ йигитлари билан тўлдирган. Мусулмонкул ўз мавқайдан фойдаланиб, Шералихонга ўз таъсирини ўтказишга интилан. Аммо хон бунга йўл қўймасликка интилади. Мусулмонкул хондан норози бўлиб, бошқаларнинг қўли билан суиқасд уюштиришга ҳаракат қилган. 1845 й. Ўшда хоннинг солиқ сиёсатига қарши кўзғолон бошланади. Мусулмонкул кўзғолонни бостиришга кетганида, унинг шериклари Олимхоннинг ўгли муродбекни Кўконга таклиф қилиб тахтга ўтказганлар. Шералихон ўлдирилган. Тахтни саклаб қолиш учун Муродхон ўзини Бухоро амирининг ноибига деб тан олишга мажбур бўлган. Мусулмон-кулни мингбоши лавозимида қолганлиги ҳақида фармон чиқаради ва унинг Кўконга қайтишини талаб қилади.

Мусулмонкул эса Ўшдан Наманганга келиб кизини Шералихоннинг ўгли Худоёрга турмушга беради ва у билан Кўконга келиб, Муродхонни ўлди-риб, ё'ш Худоёрни хон деб эълон қилади (қ. Худоёрхон). Мусулмонкул хоннинг ёшлигидан фойдаланиб хонликни деярли мустакил равишда ўзи бошқаради, катта лавозимлар кипчокларга улашиб берилади. Натижада Мусулмон-кулга қарши хонлик ҳудудида норозилик ҳаракати кучайди ва у мингбошилиқдан бўшатилади. Мусулмонкул ўз мавкеини тикламоқчи бўлиб, руслар билан алоқа ўрнатишга интилади ва русларнинг вакили В. В. Вельяминов-Зернов билан 1853 й. баҳорида махфий учрашади. Мусулмонкулнинг рус кўмондони вакили билан учрашгани ва ҳокимиятни ўз қўлига олмақчи бўлганлигидан хабар топган ўзбек ва қирғиз зодагонлари (Мухаммад Ниёз Кушбеги, мухаммад Ражаб Кўрбоши, Мухаммад Ёқуббек кушбеги ва б.) кипчоклардан қутулиш йўлини ахтариб Худоёрхонни ўзлари тарафга огдириб, 1853 й. кипчоклар қирғинини бошлаб юборишган. Мусулмонкул асирга олиниб, қатл қилинган.

Бирок Кўкон хонлигида ўзаро тахт учун курашлар тинчимаган, юқоридаги ҳарбий амалдорлар Худоёрхонга қарши фитна тайёрлаганлар, бирок у муваффақиятсиз чиққан (қ. Ёқуббек). Киска вақт ичида хонлар бир неча марта алмашган (1852—62 й. ларда Шералихоннинг ўгли Маллахон, 1862—63 й. да Шохму-родхон, 1863 й. май-июнда яна худоёрхон, 1863 й. июль — 1865 й. ларда Маллахоннинг ўгли Султон Сайидхон хон бўлган).

1865 й. Кўконда кипчок ва қирғизлар Худойкулбекни тантанавор равишда хон деб эълон қиладилар. У атиги 14 кунгина хонлик қилади, сўнгра барча хазинани ва қимматбаҳо нарсаларни олиб, Қашқарга қочиб кетган. Худоёрхон ҳеч қандай қаршилиқсиз Кўкон тахтини қайта эгаллаган (1865 — 75). Бундай беқарор ички вазиятдан фойдаланган Россия К. х. га қарши истилочилик ҳаракатларини бошлаб юборган. Натижада 1853—65 й. лар давомида Оқмақит, Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота, Туркистон, Чимкент, Тошкентни ва уларнинг атроф ҳудудларини босиб олади. 1867 й. 14 июлда император Александр II Туркистон ҳарбий округини таъсис этди ва Ўрта Осиёда босиб олинган ва салтанат таркибига қиритилган ҳудудлар ҳисобидан туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилди. Чоризм босқини туфайли Кўкон хонлиги чегаралари анча қисқариб кетди. Ҳазинага тушадиган даромадлар кескин қамайди. Хон хазинани тўлдириш учун янгидан қўшимча солиқлар жорий этди. Халқ бундан норози бўлиб 1871 й. Сўҳда галаён кўта-ради. Бу галаён қуролли кўзғолонга айланиб кетди. Ўрта Осиё тарихида энг узок давом этган «Пўлатхон» кўзғолони бўлиб ўтади. Рус қўшинлари кўзго-лончиларни енгдилар ва Пўлатхон асирга олинди. У 1876 й. 1 март ойида Маргилон ш. да дорга осилади. Чор қўшинлари Кўкон хонлигини босиб олиб, хонликни расман бекор қиладилар ва ўрнига Фарғона вилоятини таъсис эта-дилар.

Кўкон хонлигида қуйидаги мансаблар мавжуд бўлган: мингбоши, оталик, шайхулислом, қози-қалон, кушбеги, меҳтар, парвоначи, нақиб, додхоҳ, эшик оғаси, инोक, шиговул, тўқсоба, мирохур, қора-вулбеги ва б.

Кўкон хонлигида мавжуд бўлган ҳарбий унвонлар қуйидагича бўлган: мингбоши — одатда, у вазирлик вазифасини бирга олиб борган. Кейин понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, замбаракчи ва б. Булардан ташқари, бошқа ҳарбий мансаблар ҳам

бўлган. Кўконда яшаган сарбоз ва тўпчилар факат алохида вазифадаги ноиб, додхохнинг доимий тасарруфида бўлганлар. Уруш даврида ноиб, додхох ўз қисмига хара-катдаги қўшиннинг ҳамма сарбозларини қабул қилган, унга вақтинчалик бошчилик қилишни махсус тайинланган амири лашкар (бош қўмондон)га топширарди.

19-а. нинг 1-ярмида Кўкон хонлиги таркибига қуйидаги ҳудудлар қирарди: Сирдарёнинг сўл соҳили билан Қоратегин оралигидаги Кўкон вилояти; Сирдарёнинг ўнг соҳилидан то Олатовгача бўлган Наманган вилояти; Хўжанд шаҳри; Хўжанд билан Тошкент орали-гидаги Ўратепа вилояти. Хонликнинг энг шим. вилояти Туркистон, Бетпак-дала саҳроларига бориб такаларди. Бундан ташқари, хонлик таркибига Олай ҳудуди, Балхаш қўли билан Сирдарёнинг юқори оқими оралигидаги ерлар қирарди. Биллуртоғнинг ғарбий томонидаги Қоратегин, Дарбоз, Қўлоб, Шугнон сингари бир қатор тоғли туманлар ҳам Кўкон хонлигига тегишли эди. Бу ерларни қўқонликлар 19-а. нинг 30-й. ларида бўйсундиришган бўлса-да, улар тез-тез қўлдан-қўлга, қўпроқ Бухоро амири ихтиёрига ўтиб турарди.

Кўкон хонлиги аҳолисининг сони 3 млн. га яқин эди. Қоризм қўшинлари унинг шим.ғарбий вилоятларини босиб олгач, хонлик ҳудуди анча қисқариб, асосан, Фарғона водийси билан чекланади ва аҳоли сони тахм. 2 млн. га тушиб қолади.

Кўкон хонлигининг аҳолиси, асосан, ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Кўкон хонлигида ҳам ерга эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш турли хил бўлган. Хонликка қарашли бўлган ерлар ам-лок ерлар, вақф ерлари, мулки хи-роҳ ва мулки ушрияга тақсимланган. Дехқонлар ўртасида яққа дехқон хўжалиги ҳам ривожланган. Ўз ерларидан ажралган қамбағал дехқонларнинг қўпчилиги йирик ер эгалари қўлида қоракорлик қилганлар. Ернинг баҳоси унинг унумдорлиги ва қанчалик сув билан таъминланганлигига қараб белгиланган. Хонлар сугориш тармоқлари қатта даромад манбаи бўлганлиги сабабли маълум даражада уларни сақлашга, сугориш иншоотларини янада қенгайтиришга яхши эъти-бор беришган. Кўкон хонлигида қўплаб пахта ва полиз экинлари етиштирилган, бог-дорчилик ҳамда пиллачилик тараккий этган. Хунарманд-қосибчилик мазмунан бой ва серқирра бўлган. Булар: мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, ҳарбий қурол и. ч., сопол ва қўзағарлик, қозғарлик, бадийий тўқимачилик, дўппичилик, қаштачилик, қўприқсозлик, темирчилик ва ш. қ.

Булардан ташқари, хонликда ер ости бойлиги ҳам маълум даражада қазиб олинган. Аммо уларни и. ч. қодда ва қам эдики, улар эҳтиёжни қондира олмасди. Мас, хонликда ишлаб чиқарилган металл Россиядан олиб қелинган металлдан қимматга тушарди. Кўкон хонлигида ишлаб чиқилган маҳсулотлар эса қет элларга ҳам олиб чиқилар эди ва уларга талаб ҳам бор эди. Шунинг учун бу соҳа маълум даражада ривожлана борган.

Савдо-сотик Кўкон хонлиги ҳаётида қатта ва муҳим ўрин эгаллаган. У ички ва ташқи савдога бўлинган. Осиё хонликларида ички савдо, асосан, қад. даврдан бери ўзаро қўчманчи қорвадор, ўтроқ дехқонлар ва шаҳар-қишлоқ хунармандлари маҳсулотларига асосланган эди. Аҳоли ўзининг эҳтиёжларини асосан ўз хонлигидаги маҳсулотлар билан қондиришган.

Кўкон хонлигининг иктисодий ҳаётида Бухоро, Хива, Кашкар, Хиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса, Россия билан бўлган ташки савдо катта ўринни эгаллаган. Россия билан олиб борилган савдо муносабатлари Кўкон хонлиги кишлок ҳўжалиги айрим тармоқларининг ривожланишига олиб келди ва рус маданиятининг баъзи жиҳатлари аҳоли турмуш тарзига кира бошлади. Кўкон хонлиги Россиянинг хом ашё базасига ва ташки савдо бозорига айлана борди. Россия саноати товарларининг олиб келиниши маҳаллий саноат корхоналарини ва айрим хунармандларнинг инкирозга учрашига сабаб бўлди.

Кўкон, Маргилон ва Наманган ш. ларида ип ва ипак матолар (атлас, шойи, бекасам, адрас, чит, бўз ва б.) тўкилган. Шунингдек, бошқа хунармандчилик тармоқларида – ҳўжалик асбоблари, дехкончилик учун керакли ускуналар, курол-яроқлар, заргарлик буюмлари, коғоз ва б. нар-салар ишлаб чиқарилган. Ер ости бойликларидан нефть, олтин, қумуш, мис, рух, темир, қўроғшин ва б. ҳам маълум миқдорда қазиб олинган. Хонликда пахта ва полиз экинлари етиштирилган, боғдорчилик ва пиллачилик ҳам тараккий этган.

Кўкон хонлигидан чет давлатларга қуритилган мевалар, жун, тери, ипак, гилам, пахта ва ипак матолар чиқарилган. ташки мамлакатлардан эса турли металл рудалари, металл буюмлар, қанд ва б. маҳсулотлар келтирилган.

Маданияти. Кўкон хонлигининг 18—19-а. лар 1-ярмида кечган маданий ҳаётида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар ва силжишлар юз бериб борганлиги аёндыр. 19-а. да Кўкон хонлигида тарихнавислик сезиларли равишда ўсиб борган. Олдинлари ёзилган бир неча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди ва янги китоблар ёзилди. Бу янги асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди — уларнинг айримлари шеърӣ ёки қисман шеърӣ йўлда ёзилди. Бу эса кўконлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўзлари ҳам шеърӣда қалам тебратганликларини қўрсатади. Мас, «Тарихи жаҳоннамойи» (Жунайд Мулло Авазмухаммад Мулло Рўзи Мухаммад сўфи ўғли), «Шоҳнома» (Абдулқарим Фазлий Намангонӣ), «Шоҳномаи Умархонӣ» (Мирзо Каландар Муш-риф Исфарағӣ, у Фазлий Намангонӣнинг «Зафарнома» асарини насрий қилиб ёзган). «Мунтахаб аттаворих» (Ҳўжа Мухаммад Ҳакимхон-тўра бин Сайид Маъсумхон), «Тарихи Шоҳруҳӣ» («Тарихи сай-ӣиди Ҳудоёрхон», Мулло Ниёз мухаммад Ҳўқандӣ Ниёзий бин Мулло бин Ашур Мухаммад Ҳўқандӣ), «Тарихи жадидаи Тошқанд (Мухаммад Солиххўжа ибн Қорихўжа), «Шоҳнома» (Махзун Зиёвуддин Ҳўқандӣ), «Жангномаи Ҳудоёрхон» (Шавкий Намангонӣ) ва б.

19-а. бошларида шаклланган Кўкон адабий муҳити ҳам хонлиқнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Кўкон ҳукмдорларининг қатор намо-яндалари темурийлар анъанасини давом эттириб, ўзлари ҳам илм-маъри-фат билан шугулланиб, бу соҳани раванг топиришга катта саъй-ҳаракат қилганлар. Айниқса, бунда Кўкон хонларидан Умархон (1810—22) ва мухаммад Алихон (1822—41) даврлари яққол ажралиб туради.

Ҳусусан, Акмал (Махмурнинг отаси), Амирий (Кўкон хони Умархон), Бокихонтўра, Мухаммад Шариф, Гулҳаний, Махмур (Махмуд), Мунтазир, Низомӣ Ҳўқандӣ (асл номи

Низомиддин Мухаммадаминхўжа ўгли), Нодир, Нозил Мухаммад Аваз, Авазмухаммад Ёрмухаммад ўгли Писандий, Фазлий Намангоний, Гозий сингари шоирлар халк ичида машхур эдилар.

Кўкон адабий мухитининг яна бир мухим характерли жихати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс-тожик тилида баб-баравар калам тебратган бир катор таникли ва машхур ўзбек шоиралари истеъдоди кенг ривож топди. Мас, Дилшод отин, Зебунисо, Зиннат, Мох-зода Бегим, Махзуна, Муштарий, Нодира, Нозук Хоним, Увайсийларнинг ижоди айрича ахамиятга молик-дир.

Кўкон адабий мухитининг самарали таъсири ўларок бу юртдан кейинчалик Мукимий, Фуркат, Завкий ва б. етук бадиий сўз санъаткорлари етишиб чикдилар ва ўз халкининг эрки, хурлиги ва озодлиги учун хизмат килдилар.

Умуман олганда, 19-а. нинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликларида адабиёт ва тарихшунослик билан бир каторда мат., тиббиёт, геогр., астро-номияга оид ҳамда диний асарлар яра-тилди. Бу хонликларда миниатюра ва хаттотлик санъати ҳам ўз ўрнига эга. Бу даврнинг маданий ҳаётида дорбозлик, аския, кўгирчок театри, масха-рабозлик, айникса, бастакорлик бир-мунча ривожланди.

Кўкон хонлигининг барча бекликларида мадраса, мактаб ва корихоналар мавжуд эди. Мадрасаларда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар бўйича танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам бу ерга турли мамла-катлардан кўплаб талабалар келиб ўқишган.

Ад.: Бобобеков Х., Кўкон тарихи, Т., 1996.